

# Ўрта Осиёда қонун устуворлиги дастури 2020-2023

Умумий ҳуқуқий макон

Инсон ҳуқуклари ҳимоясини  
такомиллаштириш

Иқтисодий жиноятларга қарши кураш  
институционал қўллаб-кувватлаш

Европа Иттифоқи  
томонидан  
молиялаштирилган



ЕВРОПА ИТТИФОҚИ

COUNCIL OF EUROPE



CONSEIL DE L'EUROPE

Европа Кенгаши томонидан  
биргаликда  
молиялаштирилиб  
амалга оширилмоқда



Ўрта Осиёда қонун устуворлиги Даствури (2020-2023) Европа Кенгаши ва Европа Иттифоқи ўртасидаги шерикликка асосланган, умумий қадриятлар ва умумий мақсадларга асосланган ҳамкорлик ташаббусидир. Дастур Европа Кенгаши тажрибасидан фойдаланишни хохловчи ва Европа Кенгашининг кўшни миңтақаларга нисбатан сиёсатига мувофиқ ҳамкорлик килиш шартларига жавоб берадиган барча Ўрта Осиё давлатлари учун очиқдир. Дастур шунингдек Ўрта Осиё бўйича Европа Иттифоқи стратегиясига уйғундир. Дастур талабга йўналтирилган ёндашувга асосланган Европа ва бошқа ҳалқаро стандартларга мувофиқ инсон ҳуқуқлари, қонун устуворлиги ва демократияни мустаҳкамлаш йўли билан фуқаролар ҳаётини яхшилашга қаратилган.

■ Дастур уч асосий Амаллардан иборат:

- ▶ 1. Европа ва Ўрта Осиё ўртасида умумий ҳуқуқ маконини яратишга кўмаклашиш ва инсон ҳуқуқларини муҳофаза қилишни кучайтириш;
- ▶ 2. Иқтисодий жиноятларга қарши шаффоффликни таъминлаш ва курашишга кўмаклашиш;
- ▶ 3. Давлат муассасалари ва давлат бошкаруви органларининг самарали фаолиятига кўмаклашиш.

## **БИЗ НИМАГА ЭРИШМОКЧИМИЗ?**

- ▶ Европа ва Ўрта Осиё ўртасидаги умумий ҳуқуқий маконини тарғиб килиш ва кенгайтириш ҳамда Ўрта Осиёдаги HELP (Юридик Мутахассислар учун инсон ҳуқуқлари буйича таълим) дастурини илгари суриш орқали инсон ҳуқуқлари химоясини кучайтириш;
- ▶ Марказий Осиё мамлакатларида маъмурий тўсиқларни камайтириш ва тадбиркорлар ҳукукларини химоя қилиш таъминлашда тадбиркорлик фаолиятида халоллик даражасини ва хусусий секторда мавжуд меъморий-ҳуқуқий хужжатларга риоя қилиш (комплаенс) даражасини ошириш;
- ▶ Ўрта Осиё мамлакатларида коррупцияга карши курашиш, жиноий даромадларни легаллаштириш ва активларни қайтариш тизимлари самарадорлигини ошириш;
- ▶ Миллий ҳуқуқий тизимлар, давлат муассасалари ва суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ қилишда миллий ҳамкорларга кўмаклашиш.

## **Ўрта Осиёда қонун устуворлиги дастурининг қисқа шарҳи**

Дастур тўрт йил давомида (2020-2023) 8 889 000 евро бюджетга эга ўлароқ Европа Кенгаши томонидан амалга оширилади (90% Европа Кенгаши, 10% Европа Иттифоқи томонидан молиялаштирилади); Дастурнинг географик кўлами муҳим минтақавий нуқтаи назардан Қозогистон, Қирғизистон, Тожикистон, Туркменистон ва Ўзбекистонни қамраб олади; Йўл-йўриқ миллий хокимият органлари, Европа Иттифоқи ва Европа Кенгаши вакилларидан иборат минтақавий ва икки томонлама бошқарув кўмиталари томонидан таъминланади.

## **ИШ ТАРЗИМИЗ ҚАНДАЙ?**

- ▶ Европа Кенгашининг муҳим конвенциялари бўйича хабардорликни ошириш ва конвенция тизимларини тўғри англашга ва тасдиқланган конвенциялар ва бошқа ҳалқаро стандартларни самарали амалга оширишга кўмаклашиш;
- ▶ Минтақавий музокарага имкон яратиш ва Ўрта Осиёда алоқаларни тузатиш ва илғор тажрибалар алмашинувининг минтақавий механизmlарини илгари суриш;
- ▶ Тегишли мамлакатларда ҳукукий ва сиёсий негизларни такомиллаштириш ва институционал салоҳиятни ошириш учун мутахассис билимларини тақдим килиш.
- ▶ Ўрта Осиё ўлкаларида олиб борилувчи ислоҳотларга эксперт билим ва тажрибаларни, имкониятларни яратиш ва бошқа турли техник кўмакни тақлиф қилиш.



## ЎЗИГА ХОС ЁНДАШУВ

### Минтақавий күлам

Муайян давлатга хос ва минтақавий аралашуви ўртасида яхши мувозанатни сақлаш натижасида, Дастан умум-минтақавий муаммоларни мувофиқлаштирилган йўсинда, айни вақтда манфаатдор ўлкаларнинг маълум манфаат ва эҳтиёжларига самараали муносабат билдирган ҳолда, янада натижали ҳал қилишга имкон беради.

### Талабга йўналтирилган

Дастан талабга йўналтирилган ёндашувга асосланган бўлиб, у тегишли маҳаллий ҳамкорларнинг талабларига мослашувчанликни намоён қилишга имкон яратади. Дастан тадбирларини мослаштириш ва кўмак кўпроқ зарур бўлган ва энг яхши натижалар берадиган соҳаларда кўрсатилишини таъминлаш учун тегишли органлар билан мунтазам равишда маслаҳат алмашинувлар ўтказилади.

### Эгалик ҳуқуқи

Дастан ва унинг натижалари бўйича жавобгарлик Дастанни ишлаб чиқиш ва амалга оширишда ҳамкорларнинг фаол ва доимий иштироки орқали таъминланади. Бундан ташқари, маҳаллий жавобгарлик ва эгалик ҳуқуқи натижаларнинг барқарорлигига ва ҳамкорларнинг Дастурга қатъий содик қолишига ёрдам беради.

### Кўп жиҳатли муаммолар

Дастан доирасида барча аралашувлар Европа Кенгashi гендер тенглиги стратегиясига мувофиқ ва ҳамкорлик лойиҳалари учун комплекс гендер ёндашув дастаний тўплам қўлланмасига асосан - шунингдек аҳолининг заиф қатламлари ва озчиликни ташкил этувчи гурухларга алоҳида дикқатни жалб қилган ҳолда, дискриминациядан ҳоли, тенг ҳуқуқли ва барчага бирдай иштирок этиш ҳуқуқини бериб, - гендер тенглик принципларини қамраган ҳолда, инсон ҳуқуқларини муҳофаза қилиш ёндашуви ила амалга оширилади. Фуқаролик жамияти ташкилотлари билан ҳамкорлик Европа Кенгashi ҳамкорлик фаолиятларида Фуқаролик жамияти ташкилотларининг иштироки бўйича Европа Кенгашининг йўриқномаларига мувофиқ амалга оширилади.

## Enhanced Integration for Prosperity in Central Asia

27-29 November 2019  
Rixos Hotel  
Nur-Sultan, Kazakhstan

Усиление интеграции во имя  
 процветания в Центральной Азии

27-29 ноября 2019  
Отель Rixos  
ур-Султан, Казахстан



### Европа Кенгаши стратегик училиги

Европа Кенгаши техник күмак кўрсатиш лойиҳалари меёрий ҳужжатлар ижодкорлиги, назорат ва ҳамкорликнинг ўзига хос стратегик училигининг ажралмас қисмини ташкил қиласди: қонуний кучга эга бўлган стандартларни ишлаб чиқиш уларни мустақил механизмлар орқали мониторинг қилиш билан боғлиқ ва уларни амалга оширишни осонлаштириш учун техник ҳамкорлик билан тўлдирилади. Европа Кенгашига аъзо бўлмаган давлат сифатида, Ўрта Осиё давлатлари ҳолатида, назорат механизмлари ушбу давлатлар тегишли конвенцияларнинг ахдлашувчи томонига айлангунинг қадар тадбиқ қилинмайди. Тадбирлар Европа Кенгашининг тажрибаси ва қўшимча қиммати соҳаларида ишлаб чиқиласди ва амалга оширилади. Бунда Ташкилот тан олинган халқаро эксперtlар жамоаси томонидан тақдим этилган барча зарур тажрибага эга.



## БОҒЛАНИШ

Ўрта Осиёда қонун устуворлиги дастурининг  
Мувоғиқлаштирувчи Гуруҳи  
Дастурларни мувоғиқлаштириш бошқармаси  
Европа Кенгаши  
Avenue de l'Europe F-67075 Strasbourg Cedex, France  
E-mail: central.asia.programme@coe.int

 @CentralAsia.RuleofLaw



ВЕБ САҲИФА  
<http://central-asia-eu.coe.int/>

Европа Кенгаши минтақанинг инсон хукукларини химоя қилиш бўйича етакчи ташкилотdir. У 46 аъзо давлатни, жуммадан Европа Иттифоқининг барча аъзоларини уз ичига олади. . Европа Кенгашининг барча аъзо давлатлари инсон хукукларини, демократияни ва қонун устуворлигини химоя қилишга қаратилган инсон хукуклири бўйича Европа Конвенциясини имзоладилар. Инсон хукуклари бўйича Европа суди Конвенциянинг аъзо давлатларда бажарилишини назорат қиласди.

**[www.coe.int](http://www.coe.int)**

Европа Иттифоқига аъзо давлатлар ўзларининг амалий билим ва кўниммалари, ресурслари ва тақдирларини бирлаштиришга карор килиши. Улар биргаликда маданий хилма-хиллик, толерантлик ва индивидул эркинликларни сақлаган ҳолда, барқарорлик, демократия ва барқарор ривожланиш худудини яратишиди. Европа Иттифоқи уз ютуклари ва қадрияларини уз чегараларидан ташқаридаги мамлакатлар ва халқлар билан бўлишишга интилади.

**[www.europa.eu](http://www.europa.eu)**

Европа Иттифоқи  
томонидан  
молиялаштирилган



ЕВРОПА ИТТИФОҚИ



COUNCIL OF EUROPE  
CONSEIL DE L'EUROPE

Европа Кенгаши томонидан  
биргаликда  
молиялаштирилиб  
амалга оширилмоқда